

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 437-ҳадис

1. Муоз ибн Жабал розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Набий соллаллоху алайхи васаллам билан бирга эшакка мингashiб кетаётган эдим. У зот: «

«**Эй Муоз, Аллоҳнинг Ўз бандаларидаги ҳаққи нимаю, бандаларнинг Аллоҳдаги ҳақлари нима, биласанми?**» дедилар. Мен: «Аллоҳ ва Унинг Расули билади», дедим. У зот: «**Албатта, Аллоҳнинг бандалардаги ҳаққи У Зотга ибодат қилишлари ва У Зотга бирор нарсани шерик қилмасликларидир. Бандаларнинг Аллоҳдаги ҳақлари эса У Зотга ширк келтирмагани азобламасликдир**», дедилар. Шунда мен: «**Эй Аллоҳнинг Расули, бу билан одамларга хушхабар бермайми?**» дедим. У зот: «**Уларга хушхабар берма, яна суюниб қолишмасин**», дедилар».

Мұттафакүн алаіх.

Манба: hadis.islom.uz



